



Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар имом: “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” деса, “Аллоҳумма роббана лакал ҳамд» денглар. Зоро, кимнинг айтиши малоикаларнинг айтишига тӯғри келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» дедилар.

«**История** **Санкт-Петербурга** **и** **Северной** **России** **в** **документах** **и** **изданиях** **XVIII** **века**» : **Санкт-Петербург**, **1999**.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Саъид ал-Худрий розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини рукуъдан күттарсалар: “Роббана лакал ҳамд милъас самаи ва милъал арзи ва милъа ма шиъта мин шайъин баъд, ахлас санаи вал мажд, аҳаққу ма-а қолал абду ва куллуна лака абд, Аллоҳумма ла маниъа лима аътойта ва ла мұлтия лима манаъта, ва ла янфау зал жадди минкал жад) дер әдилар. (Маъноси: Эй Парвардигоримиз! Сенга осмонлару ер микдорича, яна Ўзинг хоҳлаган нарса микдорича ҳамд бўлсин. Мақтов ва улуғлик аҳли-эгаси(сан). Банда айтган нарсага энг ҳақли Зот(сан). Барчамиз Сенга қулмиз. Эй Аллоҳ! Сен берган



нарсани түсувчи, Сен түсган нарсани берувчи йўқдир! Улуғлик-бойлик эгасига бойлиги-улуғлиги Сендан (қочиб қутулишига) фойда бермас.)

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Рифоа ибн Рофиъ аз-Зурақий розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқиётган эдик. Бошларини рукуъдан кўтариб, «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» деганларида орқаларидаги бир киши: «Роббана ва лакал ҳамду, ҳамдан тойийибан мубарокан фийҳ» (яъни: Эй Парвардигоримиз! Сенга кўпдан-кўп, покиза, баракоти мўл ҳамд(лар) бўлсин) деди. Намозларидан бурилгач: «Ҳозирги сўзларни ким айтди?» деб сўрадилар. Ҳалиги одам: «Мен» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўттиздан ошиқ фариштани ушбу сўзларни биринчи бўлиб ёзиш учун ошиқаётганларини кўрдим» дедилар.



Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анху шундай деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларга нима бўлганки, намозларида кўзларини осмонга қаратишаяпти?!», дедилар. Бу борада қаттиқ гапирдилар, ҳатто: «Қасамки, улар бундан тийилишади ё бўлмасам кўзлари тортиб олинади!», дедилар.

Шарҳ:

Намоз ўқувчи бошини рукуъдан кўтарган вақтда Аллоҳ таолога ҳамд ва санодан иборат зикрларни айтиши лозим бўлади. Бу ҳамду санони намозхон Аллоҳ таолонинг неъматларини тан олганидан ва уларнинг шукронаси ўлароқ айтади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Имом бошини рукуъдан кўтарган вақтда “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” дейди.
2. Намоз ўқувчи бошини қўтаргандан кейин – агар имомга иқтидо қилган бўлса – “Роббана ва лакал ҳамд” дейди.
3. Ҳадисларда келган зиёда зикрларни қўшиш мустаҳаб.
4. Намозда кўзни осмонга қаратишдан қаттиқ қайтарилганмиз.